


633.51

У-73



Уруғлик чигитларни сақлаш ва саралаш



Юқори сифатли уруғлик чигит гўза тулларининг нормал қалинликда бўлишининг гаровидир. У ўсимлик ривожини тезлаштиради, мўл ва эртаги ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга.

Тайёрланган уруғлик материалнинг тўғри сақланиши юқори сифатли уруғлик чигит олишда муҳим роль ўйнайди.

Уруғлик чигитнинг сифатини ошириш учун барча агротехника гадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш керак. Шу билан бирга, чигитни саралаш билан ҳам сифатини ошириш мумкин.


Терилганидан то экилгунича яхши сақланган юқори сифатли чигитдангина мўл ва сифатли ҳосил берадиган бўлиқ гўза кўчати олиш мумкин.

УРУҒЛИККА АЖРАТИЛГАН ПАХТА ҲОСИЛИНИ САҚЛАШ

Совет Иттифоқида уруғлик материал пахтадан ажратилмаган ҳолида ҳам, чигитлигича ҳам сақланади. Уруғликка ажратилган пахтанинг элита ва биринчи репродукциясидан ташқари қисми бунтларга жойланади. Барча репродукцияга мансуб уруғлик чигитлар ёпиқ омборларда, бордию бундай бинолар етишмай қолса, у ҳолда 3—4- репродукция чигитлар бостирмаларда сақланади.

Уруғликка ажратилган пахтани бунтларда сақлаш.

Стандарт бунтлар 10×11 , 11×22 ва 14×25 метрли бўлади. Битта бунтда 200—300 тонна уруғлик пахта сақлаш мумкин. Уруғлик пахтани бунтларда 5 ойгача сақлаш мумкин (1-расм). Уруғликка ажратилган пахта бунтларда сақланганда температура юқори бўлади. Бунтдаги пахтанинг температураси уни бунтга жойлаш пайтидаги ҳаво температурасига боғлиқ бўлади. Масалан, сентябрь бошларида бунтларга жойланган пахтанинг температураси кейинги кунларда жойланганига нисбатан бирмунча юқори бўлади, пахтанинг намлиги 8% бўлганида Тошкент шароитида бунтдаги ҳарорат 30° — 38°C гача кўтарилади. Қишда бунтдаги уруғлик пахтанинг температураси юқори бўлиши чигитнинг яхши етилишига ва бинобарин унинг сифати яхшиланишига имкон беради (1-жадвал).



1- расм. Уруғлик пахтани бунтларда сақлаш.

1-жадвал


Уруғлик пахтани бунтларда сақлашнинг чигитнинг униб
чиқиши ва ҳосилдорлигига таъсири

Уруғлик пахта сақла- надиган жой	Чигитнинг униб чиқиш қуввати, %	Чигитнинг униб чиқи- ши, %	Чигитнинг дала шаро- иtida униб чиқиши, %	Ўза кўчат- ларининг сони, гекта- рига минг туп	Пахта ҳо- сили, ц/га
Омбор-кон- троль	55	88	42.2	69.5	40.6
Бунт	84—97	91—98	51,1—65.8	75,7—84.3	42.9—44.5


Чигит ва пахтани омборларда сақлаш. Уруғлик чигит омборларда тўкилган ҳамда қопланган ҳолда сақланади. Жут ёки қогоз қопларга 30 50 кг дан солинади, қоплар ер ости сувларидан намланмаслиги учун тагига тахта ёки бордон тўшалади. Чигит уюми 3—4 метр баландликда бўлади.

Чигитни сақлашда навнинг тоза бўлишига катта аҳамият берилади, уларнинг бошқа навларга, репродукцияларга ва гуруҳларга аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир хонага нави, репродукцияси, гуруҳ номерлари ва бошқалар ёзилган белгилар қўйилади. Бундан ташқари, ҳар бир қопга чигит нави, репродукцияси ва бошқалар кўрсатилган этикеткалар солинади.

Омборларда сақланаётган уруғлик чигитлар совуқдан сақлаши керак, чунки совуқ ҳавода уруғлик чигитнинг физиологик етилиши секин ўтади. Ҳаво қуруқ ва очиқ кунларда ҳафтада бир марта омборлар шамоллатиб турилиши лозим (2- расм).



2- расм. Уруғлик чигитни омборларда сақлаш.



3- расм. Уруглик чигитни бостирмаларда сақлаш.

Уруглик пахталарнинг районлаштирилган элита ва янги навларни ҳамда янги навларнинг биринчи репродукцияси алоҳида ажратилган, усти ёпилган, қуруқ биноларда, колхозлардан келтирилган янги қопларда сақланади (3-расм). Районлаштирилган навларнинг биринчи репродукциясини омборларга тўкилган ҳолда сақласа ҳам бўлади.

Чигитларни бостирмаларда сақлаш. Чигитлар сақланадиган бостирмалар очиқ ёки бир томони очиқ бўлади. Чи

гитларни намдан сақлаш мақсадида ёмғир ва ер ости суви бошқа томонга оқиб кетиши учун бостирманинг гир атрофига ариқчалар очилади. Шунингдек, уруғлик чигит намиқмаслиги учун бостирма таги полли ёки асфальт ётқизилган бўлиши керак. Ёғингарчиликда бостирманинг очиқ томонлари брезент билан беркитилади (4-расм).

Бостирмаларда биринчи йил сақланаётган чигитга қишки совуқ ҳаво салбий таъсир этади, бу физиологик ўзгаришларнинг яхши ўтмаслигига, бинобарин чигитнинг етилмай қолишига олиб келади. Бундай чигит экилганда униб чиқиши секинлашади, ўсимликнинг ўсиб, ривожланиши жуда суст боради.

Бироқ бостирмаларда икки йил сақланган чигитнинг униб чиқиши ва ўсимликнинг ривожланиши омборларда сақланган чигитга нисбатан анча юқори бўлади. Чунки, уруғлик чигит бостирма тагида иккинчи йил сақланганда ёзнинг иссиқ температураси ва бос-



4- расм. Уруғлик чигитни бир томони ёпиқ бостирмаларда сақлаш.

гирмада ҳавонинг яхши алмашинуви чигитнинг яхши ва тез етилишига сабаб бўлади. Бунда пахта ҳосили 3,6% кўпаяди.

Уруғлик чигитларни иситиладиган биноларда сақлаш.

Янги ҳосилдан олинган уруғлик чигит декабрь, январь, февраль ойларида иситиладиган биноларда, яъни 17—19°C да сақланса, унинг физиологик етилиши анча тезлашади. Бундай чигитларнинг иситилмайдиган складларда ва айниқса бостирмаларда сақланган чигитларга нисбатан униб чиқиш қуввати ва униб чиқиш даражаси анча юқори бўлади. Масалан, иситиладиган хонада сақланган чигитнинг униб чиқиш қуввати (21/III—1959 йил, яъни баҳорги чигит экиш мавсумига яқин) 98%, иситилмаган хонада сақланган чигитники 91% ва температураси —14 дан +6°C гача бўлган бостирмада сақланган чигитники эса 85% бўлган, холос.

Иккинчи теримдан олинган чигит биринчи теримдагидан камроқ етилган бўлади. Шунинг учун бундай чигит иситилган хонада сақланганда физиологик жиҳатдан анча етилиб, униб чиқиш хусусияти ошади.

Шундай қилиб, иссиқ хоналарда сақланган уруғлик чигит иситилмайдиган омборларда, айниқса бостирмаларда, сақлангандагига қараганда анча қисқа муддатда етилади. 17—19°C да сақланган чигит экилганда тез униб чиқади, ўсимлик яхши ривожланади ва кўчат қалинлиги ошади. Бу ҳолда ҳосил 2,3—16,0% кўпаяди. Шунинг учун элита ва биринчи репродукция уруғлик чигитни иситиладиган биноларда сақлаш тавсия этилади. Бу эса уруғлик чигитнинг сифатини оширади ва қимматли уруғлик материалнинг кўпайиш коэффициентини оширади.

Чигитни икки йил сақлаш. Янги терилган уруғлик пахтадан олинган чигит техник жиҳатдан етилган бўлса-да, ҳали физиологик пишиб етилмаган бўлади. Шунинг учун ҳам кўпинча янги пахта ҳосилидан олинган уруғлик чигитнинг униб чиқиш қуввати ва униб чиқиш даражаси паст бўлади. Вақт ўтиши билан (чигит сақланганда) унинг униб чиқиш даражаси ва униб чиқиш қуввати ошиб боради, чигит физиологик жиҳатдан пишиб етилади.

Бир йил сақланган чигитнинг лаборатория шароитида униб чиқиш даражаси юқори бўлишига қарамай, улар оддий шароитда (омбор ва айниқса бостирмаларда) сақланганда баҳорги экиш мавсумига қадар яхши етила олмайди. Натижада уруғлик чигит бир йил сақланганда физиологик пишиб етилмаган бўлади.

Чигитни паст температура (15—17°C) да анализ қилиб кўрганда, икки йил сақланган чигитнинг униб чиқиш даражаси бир йил

сақланган чигитниқига нисбатан анча ошганлиги ва унинг тез ўсиши аниқланди.

Икки йил сақланган чигит экилганда гўза қалин ўсади, ҳосил эса гектарига 2,3—6,0 центнер ошади (2-жадвал). Бир йил сақланганда чигитнинг етилиш жараёни тўла тугалланмаганлиги сабабли уни икки йил сақлангандан сўнг экилганда ҳосил сезиларли ошганлиги аниқланган. Шундай қилиб, чигитнинг етилиши икки йил сақланганидан сўнг, яъни ёзги температуранинг таъсири натижасида тугалланади.

Бир йил сақланган чигитнинг етилиши тугалланмаганлигини эътиборга олиб, униб чиқиш даражаси юқори бўлган икки йил сақланган чигитни экиш тавсия этилади. Чигитни икки йил сақлаб сўнгра экишга ўтиш муносабати билан уруғликни сақлаш учун бостирмалардан кенг фойдаланиш имконияти туғилади.

УРУҒЛИК ЧИГИТНИ САРАЛАШ

Бир гуруҳдаги чигит сифати ҳар хил бўлгани учун сараланади. Уруғлик гуруҳининг бир хил бўлмаслиги; асосан, чаноқ гўза тупининг қаерига жойлашганлигига боғлиқ. Энг юқори сифатли уруғлик чигит гўзанинг остки ва ўрта шохларининг биринчи ўриндаги чаноқларида пайдо бўлади.

Уруғлик чигитнинг майда-йириклиги, морфо-биологик жиҳатдан хилма-хиллиги ҳамда абсолют ва солиштира огирлигининг келажакда ҳосилдорликка таъсири масалалари билан кўп тадқиқотчилар шуғулланиб, йирик ва вазндор чигит яхши натижа беришини аниқладилар. Сифат кўрсаткичлари ҳар хил уруғлик экилганида чигит қийғос униб чиқмайди, кўчат сийрак бўлиб қолади, ўсимлик бир текис ўсиб, ривожланмайди ҳамда бир вақтда ёппасига ҳосилга қирмайди.

Чигитни саралаш усули катта фойда келтиришига қарамасдан хўжаликларда бунга кам риоя қилинади, бу эса мамлакатда йилда олинадиган пахта ҳосилини анча пасайтириб юбормоқда.

Туксизлантирилган уруғлик чигит саралангани ҳолда, уруғлик фондининг асосий қисмини ташкил этадиган тукли чигитлар деярли сараланмаяпти.

Туксизлантирилган чигит ҚСХ-1,5 машинасида сараланади. Бу машина чигитни йирик-майдалигига қараб саралайди.

Махсус олиб борилган текширишлар натижасида маълум бўлдики, туксиз чигитдан энг ҳаётчан ва ҳосилдор қисмини танлаб олиш учун уларни вази огирлиги ва йириклигига қараб саралаш мақсадга мувофиқдир. Бунда пахта ҳосили 10—15% ортади.

Сақлаш шароити ва муддатининг чигитнинг униб чиқиши, кўчат қалинлиги
ва пахта ҳосилдорлигига таъсири

Нав	Уруғлик чигит сақланадиган жой	Бир йил сақланганда, 1960 йил				Икки йил сақланганда, 1961 йил				Бир йил сақланган чигитдан фарқи, %	
		15—17°C да чигитнинг униб чи- қиши, %	кўчат қа- линиги.	гектарига минг туп	хосил, гек- таридан	15—17°C да чигитнинг униб чи- қиши, %	кўчат қа- линиги.	гектарига минг туп	хосил, гек- таридан	чигитнинг униб чи- қиши	пахта ҳо- сли
108-Ф	Контрол-омбор . . .	73	65,3	39,8	89	76,6	42,1	+16	+5,8		
	Иситиладиган омбор	95	68,0	40,7	98	84,1	44,8	+3	+10,1		
	Бостирма	66	56,8	37,6	96	81,7	43,6	+30	+16,0		
С-8017	Контрол-омбор . . .	94	62,9	25,7	96	71,9	23,1	+2	+13,2		
	Иситиладиган омбор	96	63,4	29,8	96	71,9	30,2	+0	+13		

Тукли чигитнинг сифатини яхшилаш учун Пахтачилик саноати марказий илмий-текшириш институти томонидан ССЛ-6 устанѳкаси ишлаб чиқилган, у транспортёрнинг тез айланувчан лентаси ва металл барабан узатган инерция ҳисобига уруғларни вазнига қараб 2 гурппага ажратади. Бундай саралаш натижасида уруғларнинг абсолют оғирлиги олдингисидан 4—5 ва ундан ортиқ граммга ошади. Бунда чигитнинг униб чиқиш, ўсиш ва пишиб етилиш даражаси ортади ва шу билан бирга, экишга мўлжалланган чигитнинг механик зарарланиши ва тукдорлиги пасаяди.

Пахтаки тозалаш бўйича ГСКБ ҳам тукли чигитларни саралайдиган машина ихтиро этди, бу машина ҳам уруғлик чигитнинг сифатини яхшилашга имкон беради. ГСКБ лойиҳалаган (ОСП маркали) машинада чигит ҳаво оқими билан сараланади. ГСКБ машинаси 3 асосий қисм: аспирацион каналли тэъминлагич, ҳалқасимон аспирацион каналли пневматик қисм ва туширгич клапанли инерцион сепаратордан ташкил топган.

Чимкент пахта заводида чигитнинг туки куйдирилиб, йирикларни махсус сим ғалвирда ажратиб олинади.

Тукли чигитларни саралайдиган барча машиналар ҳозирги вақтда кенг синовдан ўтказилмоқда.

Чигитни саралаш усулини қишлоқ хўжалигида татбиқ этиш республика колхоз ва совхозларида ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги
„ХРАНЕНИЕ И СОРТИРОВКА СЕМЯН
ХЛОПЧАТНИКА“

На узбекском языке

Издательство „Ўзбекистан“ — 1967 — Ташкент

Отпечатано в офсетной фабрике. Ташкент,
Усмана Юсупова, 86.

Авторлар Л. Колоярова ва Х. Рахимов

Рассом Г. Бедарев

Редактор М. Исмоилов

Бадний редактор Р. Содиқов

Теришга берилди 25.II-1967 й. Босишга рухсат
этилди 7/к" 1967 й. Формати 60 x 80 1/2.

Тиражи 5000.

P14801. „Ўзбекистон“ нашриёти, Тошкент,
Навоий, 30. Шартнома № 370—66.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат
комитетининг Офсет босма фабрикасида босилди.
Тошкент, Усмон Юсупов, 86. Заказ № 496.

